

Русия инкилобининг саккизинчи ойинда, болшевикларнинг «Душман билан ярашиб, мамлакатни халокатдан куткарамиз!» деб килич кувватила хукуматни Киринскийдан тортиб олгонлари ва ўшал кундан эътиборан Туркистоннинг маркази бўлгон Тошкандда ҳам канча конлар тўқуб, хукумат идорасини ўз қўлларига олгонлари, аммо хозиргача халк ва мамлакат фойдасига бир пуллик иш кўрсатолмай, балки хорижий кон тўқулишлар устинда Русия дохлинда ҳам уруш чикариб бутун Русия халкини фалокат ва халокатга тушурмокда бўлгонлари барчага маълум бўлса керак.

Сулхга келганда, «Тездан, балки январгача душман билан ярашамиз» деб ваъда берган бўлсалар ҳам, бу тўғру-да хануз катъий бир қарор чикаргонлари маълум эмасдур.

Болшевиклар иш бошига ўтуб олгон кунларда «Биз кичик миллатларга тамом хуррият ва истиклол берамиз!» деб хитобномалар воситасила ваъда қилгон бўлсалар ҳам бу курук сўзлари коғоз устидагина қолди. Булар хозиргача ҳеч бир миллатнинг мухторият ва истиклолини тасдиқ этмадилар, балки, билъакс, шундай мухторият ва истиклолият эълон этган миллатларга тўп ва пулемут билан муқобала этдилар ва этмақдадилар.

Муфрат «сотсиализм» маслакида бўлгон болшевикларнинг ўз маслақларини қабул этмаган миллатларга хуррият ва истиклол бермасликлари аниқ бўлуб қикди.

Булар истайдирларким, Русияда хуррият ва истиклолият тилагинда бўлгон миллатлар «сотсиализм» пругроми билан рафтор этсунлар, яъни ҳар миллатда ва ҳар мамлакатда «ишчи, дехкон вакилларининг шўроси» деган бир хукумат ташкил қилиниб, мамлакатнинг идораси шуларга топширилсун. Миллат афродининг бутун ер, мол ва сар-ватлари умумий мулк этиб эълон қилиниб, шул «шўро» ихтиёрига қўйулсун. Шундай бўлмагонда булар ҳеч бир миллатга хуррият ва истиклол бермас эмишлар, ҳеч бир миллатнинг хуррият ва истиклолини ҳам тасдиқ этмас эмишлар.

Болшевикларнинг бу гайри табиий тилақлари, бузук гаразлари хозиргача Русияда бўлгон ҳеч бир миллат тарафиндан қабул қилинмади. Шунинг учундирки, болшевиклар ўзларига бўйунсунмай «сотсиализм» маслагини қабул этмаган (малорус ва Дўн козокларидек) миллатлар билан Урушмоқдадилар.

Узимизга келганда, 95 просенти мусулмон бўлгон улуг Туркистон ўлкасинда ҳам болшевиклар ўз сўзларини ўтказмак ва бузук маслакларини татбик этмак учун кўллариндан келган чора ва тадбирларга киришмоқдадилар.

Чунончи, Тошканд шаҳар думасини таркатдилар. Туркистон Мухториятини «мулло ва буржуазлар қарори» деб тасдиқ этмадилар ва Тошкандда Мухторият шодлиги учун намойиш ясагон мингларча мусулмонларга бир баҳона билан милтик ва пулемут отиб, бир неча гунохсиз мусулмон ва русларни ўлдурдилар. Булар ила ҳам муддаолари хосил бўлмагоч, ўз тарафдорларини кўпайтуруб, мусулмонлар орасига муҳолифат солмоқ учун мусулмон солдатларини ва мусулмон ишчи-деҳқонларини игво этдилар.

Аmmo бу тадбирлар билан уларни ўз тарафларига тортмоқга муваффақ бўлмадилар. Чунки мусулмонлар болшевикларнинг бузук муддаоларини англаб олиб, ўзларини тортдилар, алданмадилар.

Яна мунинг устинда, ўз мақсадларини болшевикларга очикрок англамак учун Туркистондаги бутун мусулмон солдат, ишчи ва деҳқонлар 25 декабрда Хўқандда фавқулодда бир съезд ясаб, съездда хозир бўлгон 200 нафарча намояндалар ўтган тўртинчи мусулмонлар қурултойи тарафиндан чиқарулгон қарорларни ҳақли топиб, Туркистон идора ва ҳокимиятининг дарҳол Мухторият ҳукуматиға топшурилмоғига қарор чиқардилар.

Кани, энди кўрайлуқ, бу съездга болшевиклар қайси кўз билан қарайлар!.. Нима дерлар!.. Ҳарҳолда болшевиклар тек турмаслар. Бирор баҳона топиб, бизнинг тинчлигимизни бузарлар, деб гумон қиламиз. Чунки буларнинг чин муддаолари хануз хосил бўлгон эмасдур. Шунинг учун бизларга керакким, бу тўғрида ҳар эҳтимолга қарши хозирлик кўрайлуқ. Тамом бирлик билан қуч йигайлуқ. Ўз ҳуррият ва мухториятимизни сақламоқ учун мол ва жонимизни фидо этмаққа хозир бўлиб турайлуқ.

*«Хуррият» газетаси, 1918 йил, 9 январь*